

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ****Бозоров Руслан Ҳамдамович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси таянч докторанти

E-mail: ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашниң назарий ва методологик асослари ёритиб берилган. Шунингдек, тижорат банклари барқарорлиги ва унинг турлари ҳамда халқаро амалиётда, миллий банк тизимининг барқарорлигини баҳолашга оид меъёрий-услубий ишланмалар ва тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган ҳолда тегишли ҳуносалар келтирилган.

Таянч сўзлар: тижорат банклари, молиявий барқарорлик, банк депозитлари, банк капитали, банк активлари, банк ликвидилиги.

Аннотация. В статье описаны теоретические и методологические основы финансовой устойчивости коммерческих банков. В нем также содержатся соответствующие выводы на основе изучения нормативных и методологических изменений в оценке устойчивости коммерческих банков и их типов, а также в международной практике, оценки устойчивости национальной банковской системы и факторов, влияющих на финансовую устойчивость коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческие банки, финансовая устойчивость, банковские депозиты, банковский капитал, банковские активы, банковская ликвидность.

Abstract. The article describes the theoretical and methodological bases of financial sustainability of commercial banks. It also provides relevant conclusions by examining regulatory and methodological developments in assessing the sustainability of commercial banks and their types, as well as in international practice, the assessment of the sustainability of the national banking system and the factors affecting the financial stability of commercial banks.

Key words: commercial banks, financial stability, bank deposits, bank capital, bank assets, bank liquidity.

Кириш

Банклар ташкил топгандан бери улар фаолиятини мустаҳкамлаш, барқарорлигини таъминлаш, рискларни бошқариш масаласи ўз долзарблигини ошириб бормоқда. Тарихдан биламизки, дунё мамлакатларида турли инқизорлар бўлиб ўтганлиги, шунингдек, ушбу инқизорларда энг аввало, тижорат банклари молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш масаласи давлатнинг иқтисодий сиёсати устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашниң зарурый шарти ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Энциклопедик луғатларда “корхона молиявий ҳолати деганда унинг барқарор ривожланишга қобилияти”, “корхона молиявий ҳолати абсолют-нормал ва барқарор, нобарқарор ва инқироз ҳолати фарқланиши таъкидланади” (Дъяченко В.П., 1964).

Умуман олганда, бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлиги юзасидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилгани аниқланди. Лекин, хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда тижорат банклари асосан жалб этилган ресурсларни ўз риски билан жойлаштиришидан келиб чиқсан ҳолда банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш бошқа субъектларга қараганда аҳамияти юқори ҳисобланиши маълум бўлади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг турли иқтисодчи олимларнинг қарашлари, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асосларини чукур ўрганишга ҳаракат қиласиз.

О. Овчинникова ва А.Бецлар банклар молиявий барқарорлиги деганда, банкларга ташқи таъсирлардан қатъий назар уларнинг асосий ва янги пайдо бўладиган функцияларини бажаришида деб фикр билдириб ўтадилар (Овчинникова О.П., Бец А.Ю., 2006).

Юқоридаги олимларнинг фикридан, банклар молиявий барқарорлиги деганда банкларнинг ташқи таъсирларга қарши туриши ва ўз навбатида уларнинг функцияларини бажара олиш қобилияти деган хулоса келиб чиқади.

С. Уразов банклар молиявий барқарорлигини турли хил салбий ташқи омилларнинг таъсири натижасида банклар тенглик ҳолатига, мустаҳкам позициясига қайтишида деб ҳисоблайди (Уразов С.А., 2006).

Г.Меликъян эса банклар молиявий барқарорлигига таъриф беришда икки жиҳатдан ёндашиш лозимлигини, уни микродаражада ва макродаражаларга ажратган ҳолда таъриф келтиради (Меликъян Г.Г., 2004). Унинг фикрича микродаража банклар молиявий барқарорлиги – банкларнинг ҳар қандай шароитда мижозлар билан боғлиқ мақсад ва вазифаларини бажаришда банк фаолияти давомийлигини таъминлашда деб ҳисоблайди. Макродаражада банклар молиявий барқарорлигини иқтисодиёт турли субъектлари билан боғлаган ҳолда банк тизими турли иқтисодий қийинчиликларни олдини олиш, тизим барқарорлигини таъминлашда деб ҳисоблайди.

Ушбу олимнинг фикрига кўра банклар молиявий барқарорлигини ҳар қандай шароитда банклар ўз фаолиятини давом эттиришида деб қарashi билан баҳоланади.

Ю.Г.Вешкин ва Г.Л.Авагянлар тижорат банклари молиявий барқарорлигини даромадларнинг харажатлардан ошган қисми сифатида қарашади (Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., 2018). Тижорат банклари даромадлари, шунингдек, улар фойдасидан дивидендлар тўлашга қараб банклар молиявий барқарорлигига баҳо бериш бир оз мунозарали ҳисобланади. Сабаби, банк фойдаси улар умумий фаолиятига баҳо беришнинг асосий бир кўрсаткичи ҳисобланади, лекин банклар молиявий барқарорлигини аниқлаш учун уни ташкил этувчи манбаларига асосий эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шальпанов П.А. тижорат банклари молиявий барқарорлигига “... ички ва ташқи омилларга қарши турган ҳолда банк ресурсларини трансформация қилиб ҳамда рискларни самарали бошқаришда ўз функцияларини амалга ошириши” деб таъриф

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

келтиради (Шальпанов П.А., 2014). Ушбу фикрлар ҳам ўз навбатида молиявий барқарорлик моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Биринчидан, тижорат банки фаолиятига бир оз тор доирада таъриф келтирилган, иккинчидан, муаллифнинг банк ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига муносабатлари бир оз ноаниқ кўринади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашниң назарий ва методологик асослари бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий хуросалар қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан сұхбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хуроса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуслар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича маҳсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуслар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий барқарорлик тушунчасини ушбу категория иқтисодий моҳиятини очиш билан бошламоқ керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “мустаҳкамлик”, “барқарорлик” ва “ишончлилик” тушунчалари ўртасидаги фарқланишлар иқтисодчи олимлар ўртасида жуда катта фаоллик билан ўрганиб келинмоқда (Фетисов Г.Г., 1999; Буздалин А.В., 1999; Петров А.Ю., 1998; Саттаров О.Б., 2018).

Шу боис ушбу иқтисодий тушунчалар фарқли жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтмасдан, кўпроқ барқарорлик ва молиявий барқарорлик тушунчалари моҳиятини ёритишга ҳаракат қиласиз.

Барқарорликни қўйидаги асосий тавсифлари орқали баён этишга ҳаракат қиласиз:

1) иқтисодий субъект фаолияти юзасидан, иқтисодий субъект барқарорлиги унинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини белгиланган даражада сақлаши ва ривожланишга қаратилган ҳаракати тушунилади.

2) Баҳолаш мезонлари, субъект барқарорлигини баҳолаш бир қанча стандартлашган индикаторларни, кўрсаткичлар мажмунини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, индикаторлар ва кўрсаткичлар мажмуй жамоатчилик томонидан тан олинган бўлиши лозим. Айнан шу боис барқарорликни иқтисодий терминларда бошқа молиявий кўрсаткичлар билан бирга боғланган ҳолда ўрганишади.

3) Тушунча мазмунинг етарлилиги, яъни барқарорлик вақт бирлигida баҳоланади. Мана шу вақт бирлигida барқарорликни нафақат ўз кўрсаткичлар меъёрини сақлайди, балки унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таъсирини, шунингдек, сон ва сифат кўрсаткичларига, бошқа сўз билан айтганда, ички ва ташқи мухитдан қатъий назар барқарорлик ривожланишга қаратилган интилишdir.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда барқарорлик асосий тушунча эканлиги ва уни хўжалик юритувчи субъект макро ва микроиқтисодий жиҳатдан комплекс тавсифлаш зарур ҳисобланади.

Бу борада бизнинг тадқиқотимизнинг асосий эътибори барқарорлик эмас, аксинча молиявий барқарорлик, хўжалик юритувчи субъект молиявий барқарорлиги эмас, аксинча тижорат банклари молиявий барқарорлиги ҳисобланади.

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Қўйида келтирилган жадвалда тижорат банклари барқарорлиги ва унинг асосий турлари акс эттирилган маълумотлар келтирилади.

1-жадвал

Тижорат банклари барқарорлиги ва унинг турлари¹

№	Номи	Мазмуни
1.	Молиявий барқарорлик	1. Тижорат банклари фаолияти интеграл кўрсаткичлари бўлиб, банк молиявий-иктисодий ҳолатини акс эттиради (ўз маблағлари ҳажми ва структураси, даромад ҳажми ва фойда миқдори, капиталга нисбатан фойда миқдори, ликвидлилик). 2. Банклар молиявий операцияларини бошқаришда информацион-аналитик ва технологик қўллаб-қувватлаш.
2.	Умумий барқарорлик	Тижорат банклари акционерлик капитали ҳажми билан аниқланади.
3.	Тижорий (тижорат) барқарорлик	Тижорат банкларининг бозор инфраструктурасига мослашганлиги (давлат билан алоқаси, банклараро муносабатлардаги иштироки, кредиторлар, мижозлар ва омонатчилар билан муносабатлар сифати, банкнинг ижтимоий аҳамияти)
4.	Функционал барқарорлик	1. Банк ихтисослашуви 2. Банк универсаллашуви
5.	Ташкилий-структуравий барқарорлик	Банк алоҳида фаолиятларини функционал-технологик ҳужжатлар асосида ташкил этилиши

Юқорида кўриб чиқилган тижорат банклари барқарорлик турлари исталган тижорат банклари учрайди ва уни банклар ўзаро бир-бирини боғлиқ ҳолда фаолиятида таҳлил этиб боради ва ўрганади.

Тижорат банклари барқарорлигининг турларини таҳлили улар ичida энг асосий, барқарорлик базаси бу молиявий барқарорлик эканлиги кўринади. Молиявий барқарорлик тижорат банклари фаолиятини бирламчи ва асосий тури эканлиги яққол кўринади.

Банк секторининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласи банк тизими учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади. О.Н.Литун ўз ишларида кўпукладли банк тизими самарали ҳисобланади дея таъкидлайди ва кўпукладли банк тизимига турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратади. Шу билан бирга О.Н.Литун томонидан Германия, Италия, Австрия давлатларида мавжуд универсал банклар билан бир қаторда кооператив банклари, жамғарма кассалари, ўзаро кредитлаш хўжаликларининг фаолият олиб бориши таъкидлаб ўтилади. Францияда муниципал кредитлаш фондлари жуда кенг тарқалганини, худудий банклар эса Австрияда кенг ривожланганлигини ва улар сони 600 дан ортиқ эканлиги ҳамда ҳар бир худуд маълум бир соҳага ихтисослашганлигини келтириб ўтади (Литун О.Н., 2002).

Энг аввало, маҳаллий иктисодчи олимларимиздан О. Саттаров Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида ўз тадқиқотларини олиб борган бўлиб унда “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишdir” (Саттаров О.Б., 2018).

Иктисодчи олим ўз тадқиқотларида асосан банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини ўрганган ҳамда тегишли хуносалар шакллантирган. Шу билан бирга, О.Саттаров “барқарорлик” тушунчаси моҳиятини ўрганиб, “барқарорлик”

¹ Муаллиф томонидан интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

статик ҳолат эмас, балки динамик хусусиятга эга бўлган жараён; “барқарорлик” бу доимий ижобий томонга қараб силжиш, оз бўлсада лекин, ривожланишга қараб интилиш; барқарорлик ривожланишнинг комплекс тавсифи бўлиб, унинг барча жабҳалардаги, ички ва ташқи муносабатлардаги аҳамиятини ўз ичига олади; “барқарорлик” у ёки бу фаолиятнинг миқдорий ва сифат даражасини белгилайди деб таъкидлаган. Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда барқарорлик тушунчаси моҳиятини алоҳида ўрганмадик.

Россия Марказий банки норматив ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, уларда тижорат банкларини молиявий барқарорлигини баҳолашни назарда тутмайди, аксинча тавсиявий характерга эга иқтисодий меъёрлари асосида банклар фаолиятини тартибига солиб боради.

2-жадвал

**Тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш методикалари
солиштирум жадвали²**

№	Кўрсаткичлар номи	Россия (Марказий банк) банки методикаси	“Эксперт РА” агентлик методикаси	“РБК” рейтинг агентлиги методикаси
1.	Банк капитали	Банк капитали етарлилиги кўрсаткичи. Умумий етарлилик кўрсаткичи.	Капитал етарлилиги. Молиявий коэффициентлар. Капитал сифати коэффициенти.	Капитал етарлилиги, соф банк капитали ҳажми.
2.	Банк активлари	Кредит портфели сифати. Активлар сифати. Муддати ўтган кредитлар. Шаклланган резервлар ҳажми. Йирик кредит рисклари концентрацияси.	Муддати ўтган қарздорлик. Олинган таъминот ҳажми. Яратилган захиралар ҳажми.	Соф активлар ҳажми. Муддати ўтган қарздорлик ҳажми. Кредитлар бўйича яратилган эҳтимолий захиралар ҳажми. Муддатидан илгари қайтарилиган кредитлар ҳажми.
3.	Банк ликвидлиги	Ликвидлилик коэффициентлари. Мажбуриятларнинг муддатига кўра таснифи. Банклараро кредит ресурслари бозорига қарамлиги. Вексел мажбуриятлари риски.	Ликвидлилик коэффициентлари ва банклараро кредит ресурслари бозорига банк қарамлик даражаси.	Ликвидлилик коэффициентлари. Актив ва пассивлари фарқи ва бошқалар.
4.	Банк мажбуриятлари	-	-	Банклараро маблағлар жалб этиш ҳолати. Қарз мажбуриятлари улуши. Жисмоний шахслар мажбуриятлари улуши.
5.	Банк операциялари даромадлиги ва рентабеллиги	ROA, ROE. Даромад ва харажатлар структураси. Соф фоизли маржа.	ROA, ROE, соф фоизли маржа	ROA, ROE. Соф фоизли маржа ва бошқалар.
6.	Менежмент	-	Даромад ва харажатлар солиштириш, соф фойда таркиби барқарорлиги ва бошқалар	
7.	Қўшимча	-	-	Банк валюта позицияси. Балансдан ташқари мажбуриятлар.

2-жадвал маълумотларидан Россия Федерацияси тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш методикалари натижасида Марказий банк, “Эксперт РА”, “РБК” рейтинг агентликлари маълумотлари деярли ўхшаш ва бир-бирини тўлдирувчи

²Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

кўрсаткичлар асосида баҳолаши кўринади. Шу билан бирга ушбу кўрсаткичлар асосида алоҳида олинган тижорат банклари фаолиятини таҳлил этиш ва уларга рейтинг беришига асос бўлади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таркиби икки турга, яъни ташқи ва ички омилларга бўлинади.

3-жадвал

**Тижорат банклари молиявий барқарорлигига
таъсир этувчи ташқи омиллар³**

№	Ташқи омиллар
1.	Макроиктисодий омиллар
2.	Банк фаолиятига оид давлат сиёсати
3.	Талаб ва таклиф, тўлов қобилияти
4.	Пул бозорининг ривожланганлик даражаси
5.	Пул айланишининг ҳолати
6.	Рақобат мұхитининг ривожланганлиги
7.	Банк тизими ва ҳамкор тижорат банклари иқтисодий аҳволи
8.	Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар таъминоти
9.	Ташқи банк инфратузилмаси ҳолати
10.	Банклар бўлган ишонч

Ушбу жадвал маълумотларида келтирилган барча таъсир этувчи омиллар тижорат банклари молиявий барқарорлигига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиши мумкин, барча омилларни таъсир этишидан келиб чиқсан ҳолда уларни инкор этиб бўлмайди, бошка таъсир этувчи омиллар билан бирга ўзаро алоқадорлиги ҳамда банклар иқтисодий аҳволига таъсир этишидан келиб чиқсан ҳолда кучли таъсир этиши ҳам мумкин.

Навбатда биз тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омилларни кўриб чиқамиз.

4-жадвал

**Тижорат банклари молиявий барқарорлигига
таъсир этувчи ички омиллар⁴**

№	Ички омиллар
1.	Стратегия ва ривожланиш устуворликларини белгилаш
2.	Банк фаолияти кўрсаткичларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши
3.	Молиявий маблағларни жалб этиш қобилияти
4.	Рискларни қарши тура олиши
5.	Харажатларни тежаш
6.	Ички инфратузилма
7.	Маркетинг ва бошқариш сифати
8.	Банк замонавий технологиялари ва янги банк хизматларини жорий этишга эҳтиёж
9.	Банк ишини ташкил этиш

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омиллар ичida энг аввало, банк стратегияси ва ривожланиш устуворликларини белгилаб олиш масаласи долзарб жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ушбу омил одатда назарий аҳамият касб

³Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

⁴Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

этгандай туюлади. Чунки тижорат банклари стратегиясини ишлаб чиқишида асосан йўналиш ва амалга ошириладиган ишлар баён этилади. Лекин, ушбу ишларни амалга ошириш механизми ва йўллари тўлиқ баён этилмайди. Шу боис тижорат банклари бунга расмий ёндашув билан қарашади. Қўшимча равишда инновацияларни амалга оширишда харажатлар манбалари юзасидан аниқликлар ва изланишлар олиб борилмайди. Шу билан бирга буларга эскича ёндашув кўзланган мақсадларга эришишда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Тижорат банклари стратегик ҳужжатларини тайёрлаш мураккаб аналитик иш ҳисобланади. Ачинарлиси шундаки банкларда кучли аналитиканинг мавжуд эмаслиги стратегик ҳужжатлар тайёрланишида умумийлик, мақсадни ёзиш билан чекланиб уни амалга ошириш механизмлари тўлиқ баён этилмаслиги натижасида, кўзланган мақсадга эришиш мураккаблигини келтириб чиқаради, шунингдек, тижорат банклари молиявий барқарорлигига путур етказади. Лекин, бунинг акси бўлганда тижорат банклари молиявий барқарорлигини нафақат мустаҳкамлашга, балки келгусида фаолиятини янада ривожлантиришга ва молиявий мустаҳкамлигини оширишга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг мұхоммадаси

Тижорат банклари молиявий барқарорлиги рейтингини аниқлашда ва баҳолашда уларнинг ялпи активлари ва ялпи депозитлари умумий суммасига эътибор қаратилган. Лекин бугунги кунда хорижий давлатлар амалиётида бозор капиталлашуви энг асосий мезон ҳисобланади⁵. Капиталлашув даражаси оддий акцияларнинг бозор баҳосининг мұомаладаги акциялар сонига кўпайтириш орқали аниқланади. Шу билан бирга Ж.Синкининг фикрича тижорат банклари рейтингида ялпи активлари умумий суммаси ва капиталлашув рейтинги мос келмаслиги таъкидлайди. Мисол учун, Bank of New York 37 млрд. АҚШ доллари капиталлашуви билан 6-ўринни эгаллаган бўлса, активлар умумий суммаси бўйича 77 млрд. АҚШ доллари билан 15-ўринни эгаллаган.

Таъкидлаш жоизки, Базель қўмитасининг бозор интизомига ва кредит рискини баҳолашга оид бўлган янги талабларини банк амалиётига жорий қилинганилиги тижорат банклари фаолиятидаги рисклар даражасини камайтириш имконини берди.

Холоса ва таклифлар

Тадқиқот натижасида қўйидаги асосий холосаларни шакллантирдик:

- бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлиги юзасидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилгани, хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда тижорат банклари асосан жалб этилган ресурсларни ўз риски билан жойлаштиришидан келиб чиқсан ҳолда, банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш бошқа субъектларга қараганда аҳамияти юқори эканлиги маълум бўлди.

- Барқарорликни иктисодий субъект фаолияти юзасидан, баҳолаш мезонлари ва тушунча мазмунинг етарлилиги асосида ифодаланди.

- тижорат банклари барқарорлик турлари исталган тижорат банклари учрайди ва уни банклар ўзаро бир-бирини боғлиқ ҳолда фаолиятида таҳлил этиб бориш натижасида, барқарорликнинг турлари ичida энг асосий, барқарорлик базаси бу молиявий барқарорлик эканлиги кўринади. Молиявий барқарорлик тижорат банклари фаолиятини бирламчи ва асосий тури эканлиги аниқланди.

⁵ Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг/ Джозеф Синки-мл.; Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007.- 40 стр.

Бозоров Р.Ҳ.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

- С. Уразов банклар молиявий барқарорлигини турли хил салбий ташки омилларнинг таъсири натижасида банклар тенглик ҳолатига, мустаҳкам позициясига қайтишида деб таъкидлайди.
- Г.Меликъян эса банклар молиявий барқарорлигига таъриф беришда икки жиҳатдан ёндашиш лозимлигини, уни микродараражада ва макродараражаларга ажратган ҳолда ўрганиш яхши натижалар беради деган хуносаларни шакллантирган.
- Ю.Г.Вешкин ва Г.Л.Авагянлар тижорат банклари молиявий барқарорлигини даромадларнинг харажатлардан ошган қисми сифатида қараш лозимлигини таъкидлашади.
- Шальпанов П.А. тижорат банклари молиявий барқарорлигини ички ва ташки омилларга қарши турган ҳолда, банк ресурсларини трансформация қилиб ҳамда рискларни самарали бошқаришда ўз функцияларини амалга оширишида деб таъкидлашган.
- О.Н.Литун кўпукладли банк тизими самарали дея таъкидлайди ва кўпукладли банк тизимида турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратади.
- О.А. Тарасенко ва Е.Г. Хоменколарнинг фикрича тижорат банклари молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимида: ликвидлилик, активлар сифати, капиталнинг ҳолати ва даромадлиликни киритишади.
- Халқаро амалиётда, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк назоратига оид меъёрий-услубий ишланмалардан, CAMELS рейтинг тизимида ишлаб чиқилган методологик ишланмалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.
- CAMELS рейтинг тизими АҚШ Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси ва Пул муомаласи назоратчиси томонидан ишлаб чиқилган тизим ҳисобланади. Мазкур тизим олтига элементдан иборат: капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, менежментнинг самарадорлиги, даромадлилик, ликвидлилик, бозор рискларига таъсирчанлик.
- Moody's халқаро рейтинг агентлиги тижорат банкларининг барқарорлигини баҳолашда бир вақтнинг ўзида 5 туркумга мансуб бўлган кўрсаткичлардан фойдаланмоқда: фойдалилик, ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, самарадорлик ва активларнинг сифати.
- Россия Марказий банки норматив ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, уларда тижорат банкларини молиявий барқарорлигини баҳолашни назарда тутмайди, аксинча тавсиявий характерга эга иқтисодий меъёрлари асосида банклар фаолиятини тартибга солиб борар экан.
- Россия Федерацияси тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш методикалари натижасида Марказий банк, "Эксперт РА", "РБК" рейтинг агентликлари маълумотлари деярли ўхшаш ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар асосида баҳолаши аниқланди.
- Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан тавсия этиладиган индикаторлардан ҳам кенг фойдаланиши, улар молиявий барқарорлик кўрсаткичлари деб ном олган ҳамда бугунги кунда 49 давлат ушбу кўрсаткичларни асосий ва тавсия характерига эга бўлган кўрсаткичларини чоп этиб келаётганлиги аниқланди.
- Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўз ичига 12 та асосий ва 27 та тавсия характерига эга бўлган кўрсаткичларни умумлаштиради. Асосий кўрсаткичлар ўз ичига: капитал етарлилик кўрсаткичлари, активлар сифати, фойда ва рентабеллилик, ликвидлилик, бозор рискига сезгирилик даражасини олса, тавсия характерига эга бўлган кўрсаткичлар эса нафақат банклар, шунингдек, бошқа молия муассасалари корпоратив

Бозоров Р.Х.
**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

муассасалар, хонадон хўжалиги, бозор ликвидлилиги кўчмас мулк бозорига мўлжаллангандир.

- Тижорат банклари молиявий барқарорлиги рейтингини аниқлашда ва баҳолашда уларнинг ялпи активлари ва ялпи депозитлари умумий суммасига эътибор қаратилган. Лекин бугунги кунда хорижий давлатлар амалиётида бозор капиталлашуви энг асосий мезон ҳисобланиши аниқланди.

- Базель-III стандартининг талабларини Европа Иттифоқи мамлакатларининг банк амалиётига жорий этилиши **CRD IV Package** деб номланадиган қонунчилик ҳужжатлари тўплами асосида амалга оширилмоқда. Ушбу тўпламга “Капиталнинг етарлилигига нисбатан талаблар тўғрисидаги Директива” ва “Капитал етарлилигининг регламенти” ҳам киради.

- тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни ўрганиб чиқдик. Ташқи таъсир этувчи омилларга: макроиктисодий омиллар, банк фаолиятига оид давлат сиёсати, талаб ва таклиф, тўлов қобилияти, пул бозорининг ривожланганлик даражаси, пул айланишининг ҳолати, рақобат муҳитининг ривожланганлиги, банк тизими ва ҳамкор тижорат банклари иқтисодий аҳволи, қонунчилик ва норматив ҳужжатлар таъминоти, ташқи банк инфратузилмаси ҳолати, банклар бўлган ишонч даражаси кирса, ички омилларга: стратегия ва ривожланиш устуворликларини белгилаш, банк фаолияти кўрсаткичларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши, молиявий маблағларни жалб этиш қобилияти, рискларни қарши туроилиши, харажатларни тежаш, ички инфратузилма, маркетинг ва бошқариш сифати, банк замонавий технологиялари ва янги банк хизматларини жорий этишга эҳтиёж, банк ишини ташкил этиш каби омиллар кишини кўриб чиқдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., (2018). Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. М.: Магистр.

Литун О.Н. (2002) Стратегия банковской реструктуризации: Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук, - СПб., с. 134-135

Меликьян Г.Г. Актуальные вопросы капитализации, устойчивости и конкурентоспособности российского банковского сектора. URL:<http://www.cbr.ru/publ/moneyandcredit/melikyan.pdf>. XVI-Международный банковский конгресс.

Овчинникова О.П., Бец А.Ю. (2006). Основные направления обеспечения динамической устойчивости банковской системы // Финансы и кредит. № 22

Саттаров О.Б. (2018). Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. Т.: -14 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 7 февраль.

Уразов С.А. (2006). Устойчивость банковской системы: теоретические и методологические аспекты // Банковское дело. № 12.

Финансово-кредитный словарь/Под редакцией Дьяченко В.П.-М.: Финансы, 1964. – С. 315